

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДИКАСИ
КАФЕДРАСИ

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

ФАНИ БЎЙИЧА

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Тузувчи: Раимов Х.

ТЕРМИЗ-2013 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш ----- бет.

1. Жисмоний маданият ва спорт-ижтимоий ҳодиса ----- бет.
2. Педагогик касбининг тавсифи ----- бет.
3. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислиги халқ хўжалиги тармоқларидан бири ----- бет.
4. Ўқув-тарбия жараёнини бошқариш тизимида жисмоний маданият ўқитувчиси ва мураббий ----- бет.
5. Жисмоний маданият ўқитувчисининг вазифалари, иш фаолиятининг шакллари ва шарт-шароитлари ----- бет.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажариш кўп босқичли ўқув тизимига ўтиш, малакали бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш олий ва ўрта таълим тизимида ишлаётган профессор-ўқитувчилар зиммасига улкан масъулиятли вазифалар юклайди. Бундай вазифалардан бири талабалар «Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият» таълим йўналишининг «Мутахассисликка кириш» фани бўйича зарур билим ва малакага эга бўлишларини таъминлашдир. Маълумки, талабаларнинг «Мутахассисликка кириш» фани материалларини ўрганишда ихтисослик фанлари бўйича олган билим, малака ва кўникмаларини оширади. «Мутахассисликка кириш» фани жисмоний тарбия ва спортнинг моҳиятини, унинг касбий фаолиятида тутган ўрнини, педагогик бошқариш хусусиятларини, инсоннинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжлари каби масалаларни ёритишга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам бу қўлланмани тайёрлашга киришдик. Уни тайёрлашда В.М. Вўдриннинг «Введение в специальность», профессор М.С. Захарина, доцент С.Х. Темуроваларнинг «Ўқитувчилик ихтисосига кириш курсига методик кўрсатмалар»дан муаллиф ўз иш тажрибаси, илмий ва амалий кузатиши натижаларидан фойдаланилди.

1. Мавзу: Жисмоний маданият ва спорт – ижтимоий ҳодиса

Режа:

1. Жисмоний маданият – умуммаданиятнинг таркибий қисми.
2. Жисмоний маданиятнинг тарихий таъриф – тавсифи.
3. Янги ҳуқуқий демократик жамиятда жисмоний маданият ва спорт.

Маданият – бу жамоага бирлашган кишиларнинг ижодий иш натижаларидир. Маданият асосини жамиятнинг моддий ҳаёт шарт-шароитлари ташкил этади. Киши маданиятнинг қуйидаги уч ҳолатида ҳаракат қилади:

1. Инсонлар томонидан яратилган санъат, адабиёт, техникани ўрганиш орқали маданиятни сингдириш.

2. Кишининг маданий дурдоналарни асраш ва сақлаш ишларини олиб боровчи сифатида хизмат қилиши.

3. Ҳар бир истеъдодли кишининг янги маданият дурдоналарини яратиши ва у ишлари орқали умуммаданиятнинг ривожланишига ҳисса қўшиши.

Шундай қилиб, маданият – бу инсоннинг ижодий яратувчанлик фаолиятидир, тарихий ва маданий жараёнларнинг асосини ва унинг мазмунини инсоннинг жисмоний ва заковат қобилиятларининг ривожланишини ташкил этади.

Бу қобилиятларнинг шаклланиши ва такомиллашувида жисмоний маданият ва спорт муҳим рол ўйнайди.

Жаҳон ҳамжамятида тобора мустаҳкам урин эгаллай бошлаган республикамизда бошқа соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. +адим - қадимдан юртимиз жаҳонга машҳур полвонлари, барчани лол қолдирган. Улар ҳақида улуғ бобомиз Алишер Навоидан тортиб, барча адибу шоирларимиз, олиму-файласуфларимиз ажойиб ва ўлмас асарлар яратганлар, шеъру дostonлар битганлар, қўшиқлар куйлаганлар. Алишер Навоийнинг жаҳон адабиёти хазинасидан ўрин олган беқиёс куч-қудратга эга Фарҳод образининг ўзини эслаш кифоя. Ёки халқ оғзаки ижоди дурдоналарининг қаҳрамонлари Гўрўғлию, Алпомиш, Авазхону, Шералиларни эслашнинг ўзиқ, Туронзамин қадимдан шербилак ва Шер юраклар юрти бўлиб келганлигидан дарак беради. Республикамиз илк бор мустақиллик мақомига эга бўлган тарихий кундан бошлаб жамият тараққиётининг муҳим омилларидан ҳисобланган жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилла бошланди.

Республикамизда биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганлигининг ўзиёқ, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг келажаги порлоқ эканлигидан далолат беради.

Чунки аҳолиси соғлом мамлакатнинг тараққиёти ҳам, ривожланиши ҳам соғлом бўлади. Спорт ҳаракати билан бирлашган турли мамлакатлардан келган кишиларнинг тинчлик учун курашчилар эканликларини тарих жуда яхши билади. Чунки спорт ўз табиатида кўра жаҳон миқёсида тинчлик элчиси вазифасини ўтаб келмоқда.

Халқаро спорт алоқалари ривожланган сари давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч, дўстона муносабатлар ҳам мустақамланиб бормоқда. Жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама тараққий эттириш, бевосита иқтисодий шароитларга боғлиқ.

Бугунги кунда мустақил республикаимиз учун ақлий етук, жисмоний соғлом ва бақувват йигит - қизлар зарур. Мамлакатимиз илк бор мустақил кадам ташлай бошлаган дастлабки кезларданок бу муҳим ишга алоҳида эътибор берилла бошланди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт асосий омиллардан бири сифатида хизмат қилмоқда. Жамоа, гуруҳ ва шахсдаги жисмоний камолот тарбия субъекти билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу субъектнинг жисмоний камолотга бўлган эҳтиёжи билан белгиланади. Ҳар томонлама ривожланган жисмоний камолот, жисмоний куч ва жисмоний сифаларнинг намоён бўлиши шахснинг эҳтиёжи ҳисобланади.

Жамовтчилик эҳтиёжи эса Ўзбекистон Республикасининг ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом – янги авлодни тарбиялаб, вояга етказишдек улуғ вазифага қаратилгандир. Ҳозирги кунда бу эҳтиёжлар маҳкама ва идораларнинг ижтимоий тараққиёт режаларида кўзда тутилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жисмоний тарбия воситаларига бўлган шахсий эҳтиёж асосий ҳисобланиб, у жисмоний камолотининг тараққий этиши ҳамма ишлаб чиқариш тармоқларида шаклланади. Спорт инсон организмига фойдали таъсир кўрсатиши билан бир қаторда мушаклар қувончини рўёбга чиқаради, соғлом дам олишни ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайди, шахснинг ўзлигини англашида қудратли восита вазифасини бажаради.

Спорт ҳар доим ўзининг оммавийлиги билан одамлар эътиборини жалб қилиб келган. Спортдаги оммавийлик эса спорт иншоотлари ва уларнинг жиҳозланиши билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам уларни кўриш ва жиҳозлашга миллионлаб пул маблағлари ажратилиб, мамлакатимизнинг барча вилоят ва туманларида бу ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар эса бунёд этилган ва этилаётган спорт иншоотларида ўзлари танлаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Эндиликда ёшларимиз ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақаларининг шакл-шамоёиллари ўзгарди, турлари кўпайди.

Масалан: Миллий кадрятларимизнинг ажралмас қисми бўлган «Алпомиш» ва «Тўмарис» спорт фестиваллари, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Универсиада», ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими бўйича «Баркамол авлод» ўйинлари, мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари аксиомадир, яъни исбот талаб қилмайдиган тушунчалардир. Спортнинг анна шундай кўрик-танловларидан муваффақиятли ўтган спортчиларимиз Халқаро спорт майдонларида мамлакатимиз шону-шуҳрати учун курашмоқдалар.

Бундай спортчиларимиз кўпчиликни ташкил этади. Биз улардан айримларинигина келтириб ўтамиз. Сиднейда (2000 й.) ўтказилган XXVII –

олимпиада ғолиби, боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев, теннисчи Ирода Тўлаганова, профессионал боксчилар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигининг 16 карра чемпиони Артур Григорян, 1999 йилда Тошкентда ўтказилган I жаҳон чемпионатининг кураш бўйича чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, 2000 йилда Анталияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг ғолиби Маҳтумқули Маҳмудов, Осиё чемпион ива жаҳон чемпионатининг совриндори, дзю-дочи юртдошимиз Абдулло Тангриевлар фикримиз исботидир.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, юқорида қайд этиб ўтилган спортчиларимизнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи юксакдир. Унинг исботи: эл, юрт, халқ, ватан уларни танигани ва тан олганлигидадир.

Булардан ташқарии, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида намунали хизмат қилиб келаётган ва эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлган ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаган домлаларимиз ҳам оз эмас.

Булардан: проф. Ж. Тошпўлатов, проф. в.б. М. Рахимов, У. Иброхимов, доц. Р. Абдиев, ката ўқитувчилар А. Розиев, Н. Хўжақулов, А. +урбоновлар фаолияти исботли далиллардир.

Хулоса қилиб айтамикки, спорт фақат жисмоний камолот воситаси бўлибгина қолмай, балки у маълум даражада ўзига хос санъат вазифасини ҳам ўтайди.

2. Мавзу: Педагоглик касбининг тавсифи.

Режа:

1. Педагоглик касби ҳақида тушунча.
2. Ўқитувчи шахси ва касбий билимдонлиги.

Александр Фадеевнинг «Ёш гвардия» романида мана бундай ажойиб сатрлар бор: «Ўқитувчи! +андай ажиб сўз бу! ...».

Ҳар бир бола ўқиб таълим оладиган бизнинг мамлакатимизда ўқитувчи – бу энг буюк одам. Болаларимизнинг, халқимизнинг келажаги ўқитувчининг кўлида, унинг бебаҳо қалбидадир.

Социал структураси синфлар, гуруҳлар ва қатламларнинг яқинлашуви билан ажралиб турадиган демократик жамиятда халқ зиёлисининг роли ва аҳамияти тобора орта боради. ақлий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар орасида ўқитувчилар алоҳида ўрнини эгаллайди. Улар ўзбек интеллигенциясининг энг кўп сонли социал – касбий гуруҳларидан ҳисобланади.

Илғор инсоният ўқитувчилик касбининг юксак инсонпарварлик мақсадни кўзлашини аллақачон тушуниб етган эди. Унинг жамият ҳаётидаги ролини ўтмишдаги ва ҳозирги буюк педагоглар қандай баҳолашган?

Буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) ўқитувчи вазифаси «Шу қадар ажойибки, ёруғ дунёда унга тенглашадиган Бирон бир вазифа эгаси йўқ», деб ҳисобларди. У, бир томондан, аҳолининг ўқитувчига ҳурмат билан ўзи жамиятда қандай муҳим вазифани бажараётганини тушунишини ва ўз кадр-қимматини сақлай билишини талаб қилган эди. Ўқитувчи пок, фаол, қатъиятли, яхши фазилатлиликнинг жонли намунаси бўлиши ваш у фазилатларни ўқитувчиларга сингдириши, илмли ва меҳнатсевар одам бўлиши, уларда билимларга қизиқиш уйғотиш керак.

Швейцариялик педагог Иоганн Геприх Песталоцци (1746-1827) нинг фикрича, бола фаолият кўрсатиш кучини табиатдан олади, шу сабабдан педагогнинг вазифаси бу кучни чиниқтириши учун ўқитувчига тегишли кўрсатма беришдан иборатдир. Ўқитувчи бутун тарбияни ўқувчиларнинг жисмоний ва руҳий хусусиятларини билиш асосида олиб борган тақдирдагина бунга эриша олади.

Яхши ўқитувчи, деб таъкидлаган эди немис педагоги Фридрих Адольф Дистервег (1770-1866), ўзининг тарбиявий принципларини қаттиқ туриб ва оғишмай амалга оширади, ўз талабларидан сира ҳам чекинмайди. +аттиққўл ва талабчан ўқитувчи айна чоғда адолатли бўлиши ҳам керак. Фақат шундагина у ўз ўқувчилари олдида обрў-эътибор қозониши мумкин. Ўқитувчи муайян ижтимоий қиёфага эга бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрини ўтказаркан. Дистервег унинг прогрессив эътиқодга ва фуқаролик матонатга, аҳоли ўртасида маданий-маърифий иш олиб бориш ўқувига эга бўлиши лозим деган талабни илгари сурган эди.

Буюк рус педагоги Константин Дмитриевич Ушинский (1824-1870) ўқувчиларга педагогнинг таъсири ҳақиқатдан ҳам шу қадар тарбиявий кучга эгаки, ҳар қандай уставлар ва программалар, ҳар қандай муассасаларнинг ташкил этилиши унинг ўрнини боса олмайди, деб ҳисоблаган эди. Тарбиячи шахсиятининг мурғак қалбга таъсири шундай бир тарбиявий кучки, на дарсликлар ва ахлоқ - одоб тўғрисидаги панд – насиҳатлар, на жазолар ва мукофотлар системаси унинг ўрнини боса олади. Ўқитувчининг шахси – бу «ёш қалб учун саҳоватли куёш нурики, уни бирон бир бошқа нарса билан алмаштириб бўлмайди», «тарбия ишида тарбиячи шахсига ҳамма нарса боғлиқдир». К.Д. Ушинский педагог фаолияти бошқа ҳар қандай фаолиятдан кўра кўпроқ даражада доимий илҳомни талаб қилади, ташқаридан у бир хил маромда кечаётгандай туюлади, самараси дарҳол кўринмайди, деб қайд қилган эди. Педагогнинг роли ташқаридан камтарона кўринса-да, лекин у ўз

меҳнатининг мислсиз ижтимоий аҳамиятини англаб олиши керак: «Биз бошлаган умумхалқ тарбияси, энг аввало ва ҳаммасидан кўра кўпроқ буюк ишга лаёқатли кшиларга муҳтождир, улар фақат халқни ва уни айни халқ мактабларида ўқитилаётганликлари важдан эмас, балки ўзлари ҳақиқатдан ҳам халқ орасидан чиққанликлари, ўзлари билан унинг энг яхши характерли фазилятларини олиб келганлиги учун ҳам халқ ўқитувчиларидир...».

Улуғ педагог ва жарроҳ Николай Иванович Пирогов (1810-1881) педагогик касбига катта аҳамият берарди. Ўқитувчи деб қайд этарди у, ўқувчиларни унинг фақа тўқитиши эмас, балки унинг шахсий фазилятлари унинг ўз вазифасига нисбатан муносабати унинг бутун ҳулқ-атвори ҳам тарбиялашини эсдан чиқариш мумкин эмас. Н.И. Пирогов тегишли ўқув юртини тамомлаши биланок ўқитувчининг зарур билимлар ва малакаларига эга бўлиши тугалланмайди, педагогни тайёрлаш ва тарбиялаш жараёни бундан кейин ҳам давом этиши керак, деб ҳисобларди.

Ўқитувчи, шунингдек, унинг шахсий касбий фазилятлари хусусида революцион – демократлар янгича фикр билдирганлар.

Николай Александрович Добролюбов (1836-1861) уқтирганидек, ўқитувчи олий ва ҳар тарафлама умумий илмий тайёргарлиги бўлган тақдирда ҳам агар у «таълим ва тарбия санъати хусусида ғира-ширагина тушунчага» эга бўладиган бўлса, ўз соҳасининг тўлақонли ходими бўла олмайди. Кимки ўқитувчи бўлишни истаса, у педагогиканинг маслаҳатларига амал қилмасдан иложи йўқ. Ўқитувчи фақат олий умумий ва педагогик тайёргарликдан ташқарии яна аниқ, қатъий ва бенуқсон эътиқодга эга ва ахлоқий поклик бобида намуна бўлган тақдирдагина яхши тарбиячи бўлиши мумкин.

Ажойиб педагог Василий Александрович Сухомлинский (1918-1970) ўзининг «Болаларга жоним фидо» деган китобида мактаб фаолияти ҳар бир ўқитувчи бой ақлий ҳаётининг ранг-баранг билимлари, савиясининг кенглиги, интеллектуал жиҳатдан тўхтовсиз ўсиб бориши негизига қурилгандир, деб ёзган эди. «Ўқитувчи – деб таъкидлаган эди у, - бу ўз ўқувчиларига муайян билимлар ва маҳорат йиғиндисини берадиган кишигина эмас. Энг аввало бу талабларнинг бой, кўп қиррали маънавий ҳаёти мавж уриб турган бита ёки бир нечта жамоаларнинг раҳбари демақдир. Ўқитувчи анна шу жамоалар учун йўл кўрсатувчи аланга, машъал учқунки, ундан болалар қалбида фанга муҳаббат, билимга, шахсий қобилиятларини, идроки ва истеъдодини ривожлантиришга интилиш нур эмади».

Ҳукуматимиз ўқитувчининг ўзида чуқур билимдонликни, юксак сиёсий онглиликни, янгиликни дарҳол ҳис эта билиш, ўз фаолиятини танқидий баҳолаш ўқувини уйғунлаштирган янги жамият, тузу мўқитувчисининг ижтимоий нуфузи ва обрў-эътиборини мисли кўрилмаган тарзда юксакликка кўтарди.

«Халқ ўқитувчиси – ёш шахс маънавий дунёсининг меъморидир, жамиятнинг ишончли кишисидир. Жамият ўқитувчига энг азиз, энг қимматли бўлмиш болаларни, ўз умидини, ўз келажагини ишониб топширади. Бу ғоят олижаноб ва жуда қийин касб, астойдил ўз умрини шу касбга бағишлаган

кишидан доимий ижодкорликни, тинимсиз фикрлашни, зўр қалб саховатини баҳоларга меҳр-муҳаббатини, ишга астойдил садоқатни талаб қилади. Ўқитувчи ўзининг ёш авлодни тарбиялаш соҳасидаги фидокорона, маърифатпарварлик меҳнати билан халқнинг чуқур миннатдорчилиги ва ҳурматини қозонган. Ўқитувчиларнинг кўп сонли - минглаб отряди мамлакатимизнинг ифтихори, ёшларни тарбиялашда давлатимизнинг ишончли таянчидир».

Идеология фронтининг фаол жангчиси сифатида ўқитувчи ўқувчиларда илмий Дунёқарашни, юксак ахлоқий – сиёсий фазилатларини, меҳнатсеварликни, демократик жамият тақдири учун. Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва ҳавфсизлиги учун тарихий жавобгарлик туйғусини шакллантириш борасидаги ишларга муносиб хисса қўшиб келаётир.

Ҳозирги кунда Президентимиз ва ҳукуматимиз педагоглар меҳнатининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишига қаратилган сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Ўқитувчиларнинг иш ҳақи мустақиллигимиздан эътиборан йил сайин ошириб келинмоқда. Президентимизнинг манна куни кеча, яъни 2001 йил июл ойида чиқарилган фармони фикримиз тасдиғидир.

Синфга раҳбарлик ўқувчиларнинг дафтарларини текширганлик, ўқув кабинетлари ва ўқув – тажриба участкаларини бошқарганлик, синфдан ташқарии тўғарақларда машғулотлар олиб борганлик учун қўшимча ҳақ тўланмоқда. Фахрий унвонларга ва илмий даражаларга эга бўлган ўқитувчиларга бошқа касблардаги ва ихтисосдаги ходимларга қараганда анча кўп муддатга 148 иш кун ихақ тўланадиган таътил берилади, нафақа таъминоти борасида махсус, имтиёзли шартлар белгилаб қўйилгандир. +ишлоқ мактабларининг ўқитувчилари бепул уй-жой, ўтин-кўмир, электрдан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Умумий таълим ва касб-хунар мактабларида бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ўқитувчилар моддий аҳволининг янада яхшиланишини уларга уй-жой шароитининг, хизмати, санаторийларда даволаниши, сиёсий, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминланишининг яхши йўлга қўйилишини кўзда тутди. Иш ҳақи ставкаларининг, лавозимлар учун тўловларнинг ошганлиги ва турли хилдаги қўшимча тўловларни ҳисобга олганда ўқитувчилар ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақи ўртача 30 фоизга оширилди.

Президентимиз ва ҳукуматимиз ўқитувчилар меҳнатини кадрлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Энг яхши ўқитувчилар Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Мустақиллик йилларида минглаб ўқитувчиларга Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, «катта ўқитувчи» ва «методист-ўқитувчи», «методист-тарбиячи» деган унвонлар берилади. Ҳар йили октябр ойининг биринчи якшанба куни ўқитувчилар куни сифатида нишонланади. Бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгилаб қўйилгандир. Биринчи сентябр – умумхалқ байрами – муссақиллик ва билимлар куни деб эълон қилинган. «Меҳнат Шухрати» орденининг статусига ўзгартиришлар

киритилиб, эндиликда болалар ва ёшларга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги ютуқлари учун ўқитувчилар ва халқ маорифининг бошқа ходимлари анна шу орден билан мукофотланадиган бўлдилар.

Фан – техника тараққиёти негизида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ҳозирги босқичи ўқитувчилар олдига янги вазифаларни қўяётир. Ҳозирги пайтда «халқ маорифи ва хунар-техника таълими системаси учун кадрлар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари педагогик жамоаларнинг, ташкилотларнинг куч-ғайратларини, мутахассисларнинг ғоявий ва касбий тайёргарлиги даражасини ҳар томонлама оширишга уларни давлат сиёсатининг фаол тарғиботчилари, юксак фуқаролик бурчини ҳис қиладиган, меҳнатсевар, ахлоқий пок, ҳар томонлама билимга эга бўлган маданиятли кишилар қилиб тарбиялашга қаратиш ғоят муҳимдир».

Ўқитувчининг шахси ва касбий билимдонлиги.

Буюк педагоглардан бири А.В. Луначарский ўқитувчини ўзидан янги ҳаётни ўтказиб турадиган улкан филтрга қиёс қилган эди. «Биз учун муҳими шуки, - деб таъкидлаган эди у, - педагог давлатимизнинг энг универсал ва энг гўзал одами бўлиши керак, чунки у ўзини кичик одамларнинг қувонч ила қайта туғилиш манбаига айлантирилиши лозим. Бу одамлар ўз кўчларининг секин-аста ривожланиш жараёнини бошдан кечирадилар. Педагогнинг бую киши манна шунда мужассамлашган ва шубҳасиз, бошқа бирорта касб кишиси олдига бундай талаб қўймайди. Педагог ўзида инсон орзуларини амалга ошириши керак».

Ўқитувчи шахси қандай талабларга жавоб бериши керак?

Ўқитувчи шахсининг яхлитлигини, ички ва ташқи потенциалини бир мунча тўлароқ тарзда унинг тутган позицияси белгилайди. У киши профессионал хулқ-атвори ва фаолиятининг ижтимоий ёки хусусий қимматига эга бўлган ички ишонч билан белгиланади.

Ўқитувчи шахсининг қимматига баҳо бериш тизимида унинг касб йўналиши муҳим роль ўйнайдик, унинг негизида педагогик фаолиятга бўлган эҳтиёж ётади. У ўзида: болаларга қизиқиш муҳаббатни; педагогик ишга ҳавасни; педагогик одобни; психологик-педагогик зийраклик ва кузатувчанликни; педагогик тасаввурни; ташкилотчилик қобилиятини ҳақгўйликни; дилкашликни; талабчанлик ва қатъийликни; собитқадамликни; вазминликни; чидамликни; ўзи ҳақида фикрга эга бўлишни; касбий иш қобилиятини; маънавий, энг аввало, билиш эҳтиёжини ва қизиқишни; интеллектуал фаолликни; янгиликни ҳис эта билишни, педагогик билимни мустақил равишда оширишга тайёргарликни мужассамлаштиргандир.

Ўқитувчи педагогик фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан педагогик қобилиятга боғлиқ бўлади.

+обилиятнинг илк ва бошланғич таркибий қисми истеъдоддир. У ўзида анатомик – физиологик белгилар йиғиндисини, олий нерв фаолияти турининг хусусиятларини мужассамлаштиргандир. Истеъдод айни шу маънодаги қобилиятни юзага чиқариши мумкин, лекин олдиндан белгилаб қўя олмайди.

Истеъдод тайёр ҳолида ривожланишга қадар ва ундан ажралган ҳолда пайдо бўлмайди, индивиднинг илк белгиси ва ўзгармас хусусияти эмас, у индивидни тарбиялаш жараёнида шаклланади. Педагогик қобилия тўқитувчилик соҳасида муваффақиятли иш олиб боришнинг дастлабки шартларидандир.

Педагогик фаолият асабий жараёнларнинг кучга, вазминдорлиги ва ҳаракатчанлигига нисбатан муайян талаблар қўяди. Бунга сабаб шуки, ўқитувчи улкан иш қобилиятига эга бўлиши, кучли асаббузарлар ҳатти-ҳаракатига бардош бера олиши ва ўз диққат-эътиборини бирор бир наарсага қарата олиши, ҳамиша фаол, тетик бўлиши, буту ниш вақти мобайнида умуман ва эмоционал жиҳатдан юксак кайфиятда бўлиши кучларини жуда тез қайта тиклай олиш қобилиятига эга бўлиши, асабни кўзғатадиган вазиятларда ўзини тута билиши, сабр – чидамли, вазмин, саранжом-сарийшта бўлиши, фаолиятнинг ўзгарувчан шароитларида вазмин ва осойишта бўлиши, фикрини аниқ ифодалаши, ҳиссиётларини маромида изҳор этиши билан ажралиб туриши, ишларини бажаришнинг юксак суръатларини эгаллаб олиши, фаолиятнинг бир туридан иккинчи турига тездаёқ ўта билиши, Машғулотларни ўтказишга қўққисдан ва зарур бўлиб қолган тақдирда олдиндан тайёргарликсиз киришиш қобилиятига эга бўлиши, янги шароитга тездаёқ кўникиши, бошқалар билан муомала қила билиши керак.

Педагогик фаолиятда биринчи навбатда асаб системаси кучли, вазмин ва ҳаракатчан типдаги кишилар кўпроқ муваффақият қозонишади, деган фикр бирмунча кенг тарқалгандир. Бироқ оммавий тарзда олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, асабий жараёнларнинг кучи, вазминлиги ва ҳаракатчанлиги ҳар хил даражада намоён бўлган ўқитувчилар бир хил даражада фаолият кўрсатиши мумкин.

Ўрта умумий таълим мактаби Уставида айтиладики, ўқитувчининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир: ўқувчиларни фан асосларидан мустаҳкам билимлар билан қуроллантириш, дунёқарашни шакллантириш, ўқувчиларнинг билишга қизиқишлари ва қобилиятини ривожлантириш, уларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаш, ўқувчиларнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг индивидуал хусусиятларини турмуш шароитини ўрганиш, ота-оналар ёки уларнинг ўрнидаги шахслар ва жамоатчилик билан алоқада бўлиш. Педагогик билимларни ташвиқот-тарғибот қилиш, ғоявий-назарий савиясини ва педагогик малакасини мунтазам равишда ошира бориш. Ўқитувчи ўқувчига таълим бериш сифати учун улар билими ва тарбиясининг даражаси учун жавоб беради. У меҳнат қилишда, турмушда, ҳулқ-атворда ва янги жамият турмуш қоидаларига риоя қилишда намуна бўлишга даъват этилгандир.

Булардан ташқарии синф раҳбари бўлган ўқитувчи бошқа ўқитувчилар билан мустаҳкам ҳамкорликда ўзига ишониб топширилган синфдаги ўқувчилар ўртасида тарбиявий иш олиб боради. Мактаб ва оила томонидан ўқувчиларга нисбатан ҳаракат қилади, ота-оналар билан куни узайтирилган гуруҳларнинг раҳбарлари билан, корхоналар ва ташкилотлардаги мавжуд оила ва мактабга кўмаклашувчи кенгашлар билан доимий равишда алоқа

килиб туради; зарур бўлиб қолган тақдирда ўқувчиларга ўз вақтида ўқув-машқ ёрдами уюштиради: синф ҳужжатларини юритади, мактаб раҳбариятига ўқувчиларнинг ўзлаштириш, давомати ва ҳулқ-атвори ҳақида маълумот бериб туради, ўқувчиларнинг кундалик дафтарлари қай ҳолда юритилаётганлигини кузатиб боради, ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган тадбирларни ўтказиши, уларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини ташкил этади.

Ўқитувчининг касбий вазифалари доираси ва ҳаракат майдони нақадар кенглиги Уставдан кўришиб турибдики, бу вазифаларни билимдонлик билан ижобий тарзда уддалай олиши учун у педагогик таълим системасида тайёргарликдан ўтган бўлиши керак.

Ўқитувчи шаклланаётган мактаб ўқувчиларининг билим олишини, вояга етишини ва тарбияланишини идора қилиб боришга даъват этилгандир. Идора қилмоқ учун эса ўқитувчи оғмиқор, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражадаги тараққиётини ва техникасини билмоғи ва бошқармоғи лозим. Бундан ташқари, педагогиканинг методологик асослари ва категорияларини билиши шахснинг ривожланиши ва шаклланишининг қонуниятларини билишини, тарбиянинг моҳияти ва мақсадини вазифаларини, шакл ва методларини англаб олишини болалар ўспиринлар ва ёшларнинг анатомик-физиологик балоғатига оид тарбиялашнинг назарий ва тиббий-илмий асослари ва воситаларини билишини, бола психикаси ривожланишининг қонуниятларини ҳар хил ёш босқичларда шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини билишини тақозо этади.

Ўқитувчи умумпедагогик касбий маҳоратини эгаллаган бўлиши:

- реал мавжуд социал-психологик ҳодисалар ҳолатини уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш сабабларини, шарт-шароитлари ва характерини таҳлил қила билиши ва баҳолай олиши;
- ўқувчиларнинг билимдонлиги ва тарбий олганлиги даражасини аниқлай билиш;
- шахс ва жамоа ривожланишини режалаштира билиш;
- таълим ва тарбиянинг натижаларини ўқувчиларнинг дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларни олдиндан кўра билиш;
- конкрет педагогик вазифани ажратиш ола билиши ва аниқ ифодалай олиши уни хал этиш шартларини белгилай олиши;
- ўқув машғулоти ва ўқувчиларнинг синфдан ташқари фаолиятига раҳбарлик қилиш юзасидан ўз ишини режалаштира олиши;
- ўқув-тарбия иши методлари, воситалари, ташкилий шакллари асоси тарзда танлай билиш;
- режалаштирилган педагогик таълим системасига нисбатан ўқувчилар томонидан жавоб тариқасидаги муносабатнинг характерини олдиндан кўра билиш;

- ўқув-тарбия материални таълим ва тарбия мақсадларига мувофиқ тарзда ўқувчиларнинг ўқитилиши ва тарбияланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда танлаб, таҳлил ва синтез қила билиши;
- фан билан ўқув дарсини фарқлай билиши, фан материални ўқитиш материалга дидактик айлантира олиши;
- дарсни ташкилий-педагогик ва мантиқий психологик жиҳатдан ижодий ва асосли тарзда ўткази билиш;
- ўқувчилар фаолияти ҳар хил турларининг мавжуд педагогик имкониятларини аниқлаб, ҳаракатга келтира олиш;
- алоҳида ўқувчилар ва жамоа учун топшириқларни педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда белгилай олиш ва улар мантиқини илгари сурилайдиган тарбиявий мақсадларга мосланган ҳолда ўзгартира билиш;
- ўқувчиларнинг ҳаракат фаолиятини ва улар фаолиятига педагоглар раҳбарлигини режалаштира олиш;
- таълим ва тарбия методларини педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда қўллаш билиш;
- ўқувчиларнинг ҳулқ-атвори, интизоми ва фаоллигини идора қила билиш;
- ташқи кўринишга ва қилмишларига қараб болаларнинг руҳий ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлай билиш, улар ҳулқ-атворининг конкрет ҳаётий вазиятлардаги хусусиятларини тушуниб етиш ва изоҳлаб бера олиш;
- ўзини ҳаёлан тарбияланувчилар ўрнига қўйиб кўра билиш;
- ўқувчиларни эргаштира олиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қийматга эга бўлган янги истиқболларга қизиқтира билиш;
- ўқувчиларни умумий вазифани бажариш учун гуруҳларга ажратиш чоғида уларнинг ўзаро муносабатларини шахсий мойиллиги ва ҳушламаслигини инобатга олиш;
- тезлик билан қарор қила билиш шва педагогик таъсир ўтказишнинг энг кучли воситаларини топа олиш;
- талаб қилишнинг энг яхши шаклини топа билиш шва талабани ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига ҳамда педагогик вазиятга қараб ўзгартира олиш;
- айрим ўқувчилар, ўқувчиларнинг кичик гуруҳлари ва жамоалари, шунингдек ота-оналар ва ўқитувчилар билан педагог жиҳатдан мақсадга мувофиқ тарзда ўзаро муносабатлар ўрната билиш;
- турли одам билан турли вазиятда алоқа боғлай олиш, умумий тил топа билиш ва тўғри муомала қила билиш;
- тарбияланувчиларни ўзига яқин тутиш зарур бўлган тақдирда жамоа билан ва айрим ўқувчилар билан муносабатни қайта қуриш, уларга индивидуал йўл топа билиш;
- ташқи таъсирга кўникма ҳосил қила олиш ёки таъсирсиз қилиб қўйишга эришиш;
- ўзгариб турувчи шароитларда тўғри мўлжал ола билиш ва фаолияти усулларини қайта мослай олиш;

- мактаб ўқувчиларининг жамоаси ичидаги ва ўзаро шахсий муносабаларини йўналтириб, бошқариб ва ривожлантириб бориши, гоҳо рўй берувчи мажораларни бартараф қилиб, ўқувчилар орасида дўстлик ва ўртоқлик муносабатларини қарор топтириш;

- дорий инструктаж ва ўқувчиларнинг иши устидан оператив назоратни йўлга қўйиши зарур бўлиб қолган тақдирда унинг йўналиши ва ҳарактерини ўзгартириб туриши;

- талабларни мураккаблаштириб ва ишларнинг боришини унинг ривожланиши тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда рағбатлантириб бориш;

- эришилган натижаларни бошланғич маълумотлар ва педагогик жиҳатдан қўйилган мақсад билан таққосланган ҳолда таҳлил қилиш, ўқув тарбия ишида қўлланилаётган методлар воситалар ва ташкилий шаклларнинг бир-бирига солиштирган ҳолда самарадорлигини аниқлай билиш;

- таълим ва тарбия методларини қўлланиш самарадорлиги доирасини аниқлай билиш;

- касбий педагогик фаолиятидаги ютуқлар ва камчиликларнинг табиатини таҳлил қила билиш;

- ўз иш тажрибасини таҳлил қилиб, умумлаштира билиш;

- бошқа ўқитувчиларнинг тажрибасини умумлаштириб ва самарали шакллар метод ва усулларни ўз ишида фойдаланиш мақсадида таҳлил қила билиш;

- ўз тажрибасини педагогик назарияси билан таққослаб кўриш, ўз олдига тадқиқий вазифаларни қўйган ҳолда тегишли методикадан қўлланиб бориши;

- эришилган натижаларни таҳлил қилиш негизида навбатдаги педагогик вазифаларни илгари суриш ва асослаб бериши керак.

Шу тариқа педагогик фаолият ўқитувчи шахсига ва касбий билимдонлигига нисбатан юксак талаблар қўяди. Бу талаблар педагогик касб учун умумий ҳисобланади. Лекин улар бошланғич синфларнинг ўқитувчиларига нисбатан алоҳида мазмун касб этади.

Ўзи ҳам ўзоқ вақт мобайнида ўқитувчилик қилган. Таниқли ёзувчи Федор Гладков шундай хотирлайди: «Мактабда ўқиб юрган кезларимда билимга жуда чанқоқ эдим, ўқитувчимиз ёшгина қиз бўлиб менинг тасаввуримда у бир беназир жонзод бўлиб туюларди...

У мени бутун умрга ҳаяжонга солиб қўйдики, ўшанда мен дунёда ҳали кишлоқлар ҳеч қачон ҳаёлларига ҳам келтирмаган ажойиб соҳалар мавжудлигини ҳис этдим... Биз ташқарии ҳаяжонга соладиган туйғулар кўп эканлигига амин эдимки, кечалари унинг тўғрисида ўйлаб чиқардиб... Ўшанда менинг ҳаётим тимсолим – ўқитувчи бўлишдек буюк бахтга ўзим ҳам муяссар бўлдим, худди унинг сингари болалар орасида севилиб яшашни орзу қилдим».

Ўқитувчи мактабдаги асосий фигура эканлиги ҳақидаги фикр, айниқса бошланғич синфларга нисбатан қўлланиладиган бўлса яна ҳам аниқроқ намоён бўлади.

Бола тарбия ва таълимнинг шунчаки оддий объекти эмас у фикрловчи ва фаол зотдир. Ўқитувчи ҳам унинг шахси камолатга эришадиган йўлларни оидроқ этиш учун, олим каби серҳавсала бўлиши керак.

Аслида бу ҳам кам. Ажойиб педагоглардан бири бў швақтларида болалар билан машғулот бўлишни ҳавас қиладиган, уларга эртаклар ва кулгили воқеаларни ҳикоя қилиб беришни, уларга қўғирчоқ театри, кема ва самолёт ясаб беришни, фокус кўрсатишни, улар билан гербарийлар ва коллациялар тўплашни, уларга юлдузларнинг жойлашувини тушунтириб беришни, уларга ўқ отиш ва сузишни ўргатишни яхши кўрадиган ва уддалай оладиганларнигина ҳақиқий тарбиячи деб атаган эди.

Бошланғич синфларнинг ўқитувчилари эса, албатта, кўпроқ билиш ва кўпроқ ўқувли бўлиши керак. Аммо у ўз ишидан кўнгилчанликни сермулоҳазалик билан уйғунлаштириб бориши, талабчанлик қилиш, лекин тирноқ остидан кир изламаслик, ғамхўр ва илтифотли бўлиш, бироқ интизомни бузувчиларга ён бермаслик, болаларни кузатиб бориш, лекин хиралик ва инжиқлик қилавермаслик, уларга эркинлик бериш, уларни бошқариш бундан ҳам муҳимроқдир.

Бошланғич синфларнинг ўқитувчиси ўз шогирдлари ҳарактерида бир умр из қолдиради, бу ҳол унда касбий ғурур ва ижтимоий масъулият ҳиссини уйғотади.

3. Мавзу: Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислиги – халқ хўжалиги тармоқларидан бири, унга бўлган эҳтиёж.

Режа:

1. Жисмоний тарбия ва спорт – фаолият турларида ва ноишлаб чиқариш соҳаларидан бири.
2. Жисмоний тарбия ва спорт халқ хўжалиги тармоқларининг таснифида.

3. Жисмоний тарбия ва спорт - соғломлаштириш ва тарбиявий фаолият тури.
 4. Жисмоний тарбия ва спорт хўжалик тузилишига қараб «Соф тармоқ», «Хўжалик», «Идоравий бошқарув» тармоқ сифатида.
 5. Ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш воситаларини яратадиган прогрессив тармоқларнинг роли.
 6. Жисмоний тарбия ва спорт «соф тармоқ» сифатида.
 7. Жисмоний тарбия ва спорт хизмат кўрсатиш тармоғи сифатида.
 8. соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва социал таъминот бир табиатли ижтимоий тармоқлар сифатида.
- Маърузанинг биринчи бандида.

Жисмоний тарбия ва спортнинг бошқа тармоқлар билан ўзаро боғлиқлиги, ривожланиш хусусиятлари, улардан ажралиб туриш даражаси, иқтисодий тараққиёт қонуниятлари ҳақида гапириш.

- Жисмоний тарбия ва спорт – халқ хўжалиги тармоқларининг таснифида статистик маълумотлар бўйича «соғлиқни сақлаш», жисмоний тарбия ва социал таъминот моддий фаровонликнинг ўсиши омилларидан бири сифатида эканлиги ҳақида.

Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ва тарбиявий фаолият тури (оила, ясли, боғча, ўқув юртлари, ҳарбий хизмат, дам олиш муассасалари ва ҳакозо) эканлиги ҳақида.

Жисмоний тарбия ва спорт хўжалик тузилиши - қайси қисмларини ўз ичига олганлигига қараб, «соф тармоқ», «хўжалик» ёки «идоравий бошқарув» тармоқлари сифатида ўрганилади. Халқ хўжалик тармоқларининг хусусиятини у ёки бу тармоқнинг ҳиссаси:

- а) Ишлаб чиқариш ҳажми;
- б) Ишчи кучи;
- в) Асосий фондлар;
- г) Энергетика ресурсларини истеъмол қилишлар тўғрисида.

Ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш воситаларини яратадиган прогрессив тармоқларнинг роли.

Жисмоний тарбия ва спорт «сов тармоқ» сифатида жисмоний тарбия жамоалари, жисмоний тарбия билим юртларининг спорт клублари, мустақил спорт иншоотлари, кооператив ва бошқа тармоқларнинг тузилишига киритилган айрим жисмоний тарбия ва спорт ташкилотларидан иборатлиги ўрганилади.

- Бунда:
- а) барча йирик хўжалик тармоқларида жисмоний тарбия ташкилотлари тузилганлиги ва уларнинг фаолиятлари тўғрисида;
 - б) Хўжалик тармоқларининг ўсиши – жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари ривожланишининг гарови;
 - в) Спорт мактаблари, иншоотлари, олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг ўсиши ва уларнинг фаолиятлари алоҳида эътиборга олинмоғи керак;

г) Жисмоний тарбия ва спорт «хизмат кўрсатиш тармоғи» сифатида халқ хўжалигида катта ўрин эгаллайди ва унинг жадал ривожланишини таъминлашга хизмат қилиб, у қуйидагилардан иборат бўлади:

- Техника тараққиётининг таъсирида меҳнат мазмунининг ўзгариши.
- Ақлий меҳнат ва камхаракатлилиқ.
- Бўш вақт жисмоний тарбия ва спортдан фойдаланиш зарурати.
- Шахс баркамоллигини (меҳнат, ақлий, ахлоқий, жисмоний)

тарбиялаш.

- Жисмоний тарбия ва спорт – соғлиқни мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат қилиш қобилиятини узайтириш, жамоа обрў-эътибори ошиши, халқаро спорт майдонида давлат нуфузини ошириш воситаларидан бири эканлиги тўғрисида.

- Жисмоний тарбия ва спорт – мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, давлатлараро алоқаларини кучайтириш, ер юзида тинчлик ўрнатиш воситаларидан бири эканликлари ўрганилади ва таҳлил этилади.

Жисмоний тарбия ва спорт «соф тармоқ» сифатида, октябр инқилобига қадар ва ундан кейинги тараққиёти (спорт клублари, ўқув юртларининг очилиши, ўқитувчи ва тренерлар тайёрлаш масалалари) тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва социал таъминот бир табиатли ижтимоий тармоқлар сифатида.

Бунда:

- а) Ҳар бирининг вазифаси;
- б) Хизмат кўрсатиш объекти;
- в) Тиббий ходимларнинг «Меҳнат предмети» - соғлиқни сақлаш, соҳаси бўйича касаллар билан иш кўрсатишда, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидагилар эса соғлом одамлар билан иш кўради;
- г) «Ишлаб чиқариш технологияси» - соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари касалларни даволаш методлари, дори – дармонлар, жарроҳлик ва бошқа мутахассисларга асосланган.

Бунда беморлар кўпинча пассив бўлади.

Жисмоний тарбия ва спорт «технологияси» эса физкультурачи ва спортчиларнинг фаол ҳаракатига асосланган. Бу икки соҳанинг ўхшаш томонлари билан бирга фарқ қилувчи томонлари ҳам мавжуд.

Масалан: Шифокор даволаш жараёнини қисқартиришга, соғайишини тезлаштиришга ҳаракат қилади.

Жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, мутахассислари эса ҳар бир одамнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш муддатини узайтиришга ҳаракат қилади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг идоравий – бошқарув тармоқлари:

- а) Давлат ташкилотлари бошқаруви.
- б) Жамоат ташкилотлари бошқаруви тўғрисида тушунчалар берилади.

4. Мавзу: Ўқув – тарбия жараёнини бошқариш тизимида ўқитувчи ва мураббий.

Режа:

1. Педагоглик касбининг хусусиятлари.
2. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.
3. Педагог фаолиятини акс эттирувчи махсус қобилиятлар.

Ўқитувчининг ижтимоий роли.

Тўғри маънода ўқитувчи сўзи – махсус тайёргарликка (педагогик маълумотга) эга бўлган ва умумий таълим мактабида таълим ва тарбияга доир муайян иш олиб бораётган кишидир. Ўқитувчи сўзи анча умумий маънога ҳам эга. Бошқаларда билим, кўникма малакаларини таркиб топтираётган, ҳаётда мураббийлик қиладиган ва йўллайдиган, яъни педагогик фаолият билан шуғулланадиган ҳамма кишиларни ўқитувчи деб

атайдилар. Айни вақтда педагогик фаолият билан шуғулланадиган ҳамма кишиларни педагогиклар деб атайдилар.

Ўқитувчи таълим, ривожланиш ва тарбия бевосита бошқаради. «Умумий таълим ва хунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» да ёшларга таълим ва тарбия беришдек мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли хал қилиниши кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг ғоявий йўналиши, касбий маҳорати, билимдонлиги ва маданиятига боғлиқлиги таъкидлаб ўтилади.

Жамият ҳаётида ва алоҳида кишининг тақдирида ўқитувчининг роли ва ўрнини баҳолаш жуда қийин. Педагогнинг ўқувчиларга кўрсатадиган таъсири шундай тарбиявий кучни ташкил этадики, деб қайд қилган ва программалар билан алмаштириш мумкин эмас, чунки «тарбиячининг шахси тарбия ишида ҳамма нарсадир». Ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш процессида ўқитувчилар актив иштирок этадилар. Улар тажрибани бир авлоддан иккинчи авлодга бериш билан авлодлар ворислигини таъминлайдилар.

Янги бирор мақсадга қаратилган ҳолда бошқариш ва таркиб топтириш процесси рўй бермаганда жамият ўз ривожланишида тўхтаб қолар эди. Ўқитувчилар ана шу жараённинг асосий иштирокчиларидир.

Педагоглик касбининг хусусиятлари.

Педагоглик касби бошқа касблардан характерли белгилари билан фарқ қилади. Педагогнинг меҳнат предмети одам, меҳнатининг мақсади инсонни қайта ўзгартириш, педагогнинг меҳнат куруллари – унинг нутқи, тафаккури, иродаси ва ҳақозо. Педагогнинг меҳнат шароитлари унинг маънавий-сиёсий қиёфасига қўйиладиган юксак талаблар билан характерланади, уни доимо такомиллаштишга, тўхтовсиз ўз устида ишлашга мажбур этади. Яхши педагог ўз ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари хурматини қозонган бўлади.

Педагоглик касби қийин касб. +ийинчиликлардан бири шундан иборатки, тарбияга доир иш натижалари дарҳол намоён бўлмайди. Бу иш катта сабот-матонат ва чидамни талаб этади. Педагог хал этадиган вазифалар жуда ранг-баранг, меҳнат шароитлари эса мураккаб.

Профессионал педагоглик фаолияти учта асосий вазифани бажариш, яъни:

1. Таълим (ўқитувчилар), ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш таълими мастерлари), ижтимоий ҳаёт (мактабдан ташқари муассасалар, халқ университетлари ва ҳақозоларнинг педагоглари)нинг конкрет участкасида тарбия соҳасидаги давлат вазифаларини амалга ошириш, педагогик вазифаларни махсус қуйиш ўв хал этиш йўли билан;
2. Таълимни ташкил эти шва ўқувчиларнинг муайян билим, кўникма ва малакалар доирасини эгаллаб олиши мақсадида унга раҳбарлик қилиш билан;
3. Шахснинг сифатларини, тарбияланувчиларнинг характер хусусиятлари ва иродасини таркиб топтиришга, уларда ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш туйғуси ва ҳақозоларни

ривожлантиришга қаратилган тарбияни амалга ошириш билан характерланади.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган вақт ичида ўқитувчилар унинг таълим ва тарбия системаси ривожланишига жуда кўп шонли саҳифаларни битганлар.

Ҳозирги босқичда ўқитувчи ишига қўйиладиган талаблар ошиб бормоқда, таълим тўғрисида 1992 йилдаги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 йил 29 август) ўқитувчилар олдига мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидан келиб чиқадиган янги вазифаларни қўймоқда. Ислохот мамлакатда ривожланаётган жамиятни такомиллаштиришга оид программа кўрсатмаларини амалга оширишга қодир бўлган ёш авлодни таркиб топтириш зарурлигини таъкидлайди.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Ўқитувчилик фаолияти педагог шахсига юксак талаблар қўяди ва у тегишлича махсус тайёргарликсиз бўлиши мумкин эмас.

Хар қандай ўқитувчига қўйиладиган асосий талаблардан бири дунёқарашининг ғоявийлиги ва илмийлигидир.

Ўқитувчи ўқувчилар билан бўладиган хар кунги муомала процессида уларда теварак-атрофдаги оламга тўғри, оқилона қараш туйғусини шакллантиради. Бунга эса ўқитувчида ғоявий ишонч ва садоқат бўлсагина эришиш мумкин.

/оғвий чиниққанлик, сиёсий етуклик, юксак онглилик-ўқитувчига қўйиладиган бу талаблар аввалгилари билан чамбарчас боғланган.

Тарбия иши, шунингдек, онг-билим доирасининг кенглигини талаб этади. Тўла ижтимоий ҳаёт билан яшаётган, тарбияни, китобни, санъат ва спортни севадиган кишигина бошқаларни тарбиялаши мумкин. Тарбияланувчиларнинг хилма-хил майлларига ва қобилиятларига тўғри йўналиш бериш учун ўқитувчи ўзининг умуммаданий савиясини доимо ошириш, хар томонлама маълумотли киши бўлиши керак.

Ўқитувчи ўқувчиларда ўзи ўқитадиган фанга зўр қизиқиш бўлишини таъминлаши учун доимо янги, ўзига хос материалларга эга бўлиши зарур. Ўқитувчи ўз фанини мукамал билиши керак.

Психология ва педагогикани эгаллаб олиш ўқитувчининг умумий касбий-педагогик тайёргарлигини таъминлайди. Ўқитувчининг психологик-педагогик тайёргарлик даражасини ошириш мактаб ислоҳоти талабларидан биридир.

Психологик психик процессларнинг моҳияти ва содир бўлиши хусусиятларини билиб олишга ёрдам беради. Психологияга доир билимлар кишиларнинг хатти-ҳаракатларини, психик ҳолатини, психик процессларнинг содир бўлиш хусусиятларини, шахснинг хусусиятларини, кишилар группаси ва коллективларни таҳлил қилиш кўникмаларини таркиб топтириш асосини ташкил этади.

Педагогика педагогик жараённинг ўзига хос хусусиятларини очиб беради, педагогик маҳорати асосларини эгаллаб олишга кўмаклашади. Педагогик фаолияти учун педагогик вазиятни тўғри баҳолашга, хатти-харакат планини ишлаб чиқишга, зарур воситаларни аниқлашга, асосий-йўналганлиги ва тафаккур хусусиятлари зарурдир.

Хар бир ўқитувчида ўзининг характерли хусусиятлари намоён бўлади. Булар педагогик фаолиятининг индивидуал услубини, яъни ўз ишининг энг яхши бажарилишини таъминловчи фаолият усули ва приёмларининг ўзига хос бирикиб келишини ташкил этади.

Педагог фаолиятини акс эттирувчи махсус қобилиятлари.

Кейинги вақтларда педагогик адабиётда ўқитувчи фаолиятининг структурасини акс эттирувчи махсус педагогик қобилиятларининг роли ҳақидаги масала кўтарилмоқда. Уларга қуйидагилар киради:

1. Бошқа кишиларнинг психологиясини тушуниш, уларга керакли йўналишда таъсир кўрсатиш усулларини топиш, ўз фаолияти ва унинг натижаларини объектив баҳолаш қобилиятлари (гностик қобилиятлар);
2. Ўқув-тарбия материални таълим ва тарбия вазифалари муносабати билан танлаш, таълим ва тарбия процессини, ўз фаолияти ва ўқувчилар фаолиятини режалаштириш қобилиятлари;
3. Ўз меҳнатини ва бошқа кишилар фаолиятини ташкил этиш қобилияти (ташкilotчилик қобилиятлари);
4. Ўқитувчилар, ота-оналар ва уларни тарбиялашда иштирок этувчи бошқа кишилар билан алоқа ўрнатиш қобилияти (коммуникатив қобилиятлар).

Айтиб ўтилган қобилиятлар оила, мактабдаги ҳаётининг турли вазиятлар таъсири остида ижтимоий ишлар таъсирида ва асосийси, махсус педагогик таълим ва ўз-ўзини тарбиялаш процессида ривожланиб боради.

Педагогик фаолият самарадорлиги айтиб ўтилган қобилият ва малакаларнинг борлиги ва ифодаланганлигига боғлиқдир.

Ўқитувчининг ижодий ишида туйғулари катта рол ўйнайди.

Педагогик ишни болаларга бўлган зўр муҳаббатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лоқайд, хар нарсага бепарво қарайдиган кишилар болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг тарбиячиси бўла олмайди. Эмоционал жихатдан чекланган кишилар материални жонли ва образли қилиб тушунтира олмайди.

Хатти-харакатчанлиги билан болаларни ўзига «эргаштираолмайди». Эмоционал, жўшқинлик билан айтилган сўз яхши идрок қилинади ва хотирада сақланиб қолади, кучлироқ таъсир этади.

Ўқитувчи эга бўлган ижобий сифатлар, унинг билим ва малакалари қанчалик бой бўлса ҳам иш натижалари кўп жихатдан унинг обрўйига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг обрўйи ўқувчиларга таъсир кўрсатиш кучи билан ўлчанади. Ўқитувчининг тарбияланувчилар томонидан тан олинган яхши хислари, юксак даражадаги моҳирлиги, билимдонлиги мукамал ва хилма-

хил кўникмалари, оқилона юриш-туриши, ўқувчиларга ҳаққоний муносабатда бўлиши, бенуксон ахлоқий сифатлари ва бошқалар унинг обрўйи асосини ташкил этади.

Ўқитувчи фаолиятини характерлайдиган барча нарсалар ва унга кўйиладиган талаблар жисмоний тарбия ўқитувчисига ҳам тааллуқлидир. Бироқ предметнинг ўзига хос хусусиятлари унга ўз таъсирини ўтказди.

5. Мавзу: Жисмоний маданият ўқитувчисининг вазифалари, иш фаолиятининг шакллари ва шарт шароитлари.

Режа:

1. Жисмоний маданият ўқитувчисининг умумий вазифалари ва функциялари.
2. Иш фаолиятининг шакллари.
3. Иш фаолиятининг шарт-шароитлари.

Фаолият – киши руҳий ва ҳаракат фаолиятининг онгли бошқарилуви бўлиб, жамият мақсад ва вазифалари кўзловчи ва уни бажаришга қаратилган онгли йўналишдир. Кишининг фаоллигини ҳам фаолият деб бўлмайди. Меҳнат, ўқув, спорт билан шуғулланиш, жамоат ишлари – булар турлича фаолият турларидир.

Фаолиятнинг компонентлари:

- а) Сезги ва идрок этиш билан боғлиқ бўлган ҳолатлар.
- б) Эслаб қолиш ва маълумотларни талаффуз этиш.
- в) Фикрлаш (иш, ўқиш жараёнида вазифаларни бажариш).
- г) Янги машқлар ва ўйинларни, ҳаракатларни ўйлаб топиш билан боғлиқ бўлган фаолият тури.
- д) Ҳаракат тури (жисмоний маданият ўқитувчиси фаолиятида муҳим рол ўйнайди).

Жисмоний маданият ўқитувчисининг умумий вазифалари.

1. Таълим бериш.
2. Тарбия бериш.
3. Соғломлаштириш.

Функциялари.

- а) Тарбиявий функцияси.
- б) Таълим – оқартув функцияси.
- в) Ташкилотчи – бошқарув функцияси.
- г) Ишларни режалаш функцияси.
- д) Маъмурий – ҳўжалик функцияси (моддий-молиявий таъминлаш функцияси).

Ўқитувчи фаолиятининг иш шакллари:

1. Мактабда синф ва синфдан ташқари ишлари.

Ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялаш ўқу виши жараёнида, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда ҳамда ижтимоий фойдани меҳнатда амалга оширилади. Мактабдаги ўқув тарбия ишини ташкил этишнинг асосий шакллари дарс ҳисобланади. Жисмоний тарбиядаги педагогик жараён натижалари дарсларда олиб бориладиган ўқув ва тарбия ишининг сифатига боғлиқ. Бунга ҳар бир дарс заминидagi вазифаларни изчил ҳал этибгина эришиш мумкин.

Жисмоний тарбия дарслари таълим, тарбия ва соғломлаштириш вазифаларига эга. Таълим бериш вазифалари болаларни программада кўзда тутилган машқларни бажаришга, ўрганилган машқларни такомиллаштиришга, шунингдек, малака ва кўникмаларни ривожлантиришга ўрганилган машқларни турли шароитда қўллашга ўргатишдан иборат.

Жисмоний тарбия дарсларидан ташқари мактабнинг ўқув куни режимидаги жисмоний тарбияга оид ҳам ўтказилади ва улар қуйидагилардан иборат: Машғулотларгача бўлган гимнастика, физкультура дақиқалари ва танаффуслар. Жисмоний машғулотларнинг бу формалари ўқувчилар организмнинг жисмонан ривожланишига, соғлигини мустаҳкамлашга ва чиниқтиришга ўқу виши сифатида оширишга, интизомлилик ва жамоа ҳиссини тарбиялашга ёрдам беради.

Мактабдаги синфдан ташқари ишлардан бири оммавий жисмоний маданият ва спорт ишидир. Синфдан ташқари ишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мактаб олдида ўқув-тарбия вазифаларини ҳал этишга ёрдам бериш;
- ўқувчилар соғлигини мустаҳкамлашга, организмнинг чиниқтиришга, уларнинг ҳар томонлама жисмоний ривожланишига ёрдам бериш;
- ўқувчиларнинг жисмоний маданият дарсларида оладиган билимлари, малака ва кўникмаларини чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш;
- мактаб ўқувчиларида ташкилотчилик малакаларини тарбиялаш ва ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг яхши дам олишларини ташкил этиш;
- ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга иштиёқ уйғотиш. Синфдан ташқари ишлар турли хил спорт турлари бўйича ташкил этилган тўғараклар машғулотлари ва командаларда ўтказилади.

2. Мактабдан ташқари ишлар.

Жисмоний тарбияга оид мактабдан ташқари ишлар болалар спорт мактаблари, болалар сайёҳлик станциялари, истироҳат боғлари уй-жой бошқармалари, кўнгилли спорт ташкил этиладиган тўғараклар, жисмоний тарбия бўйича маданий чиқишлар, байрамлар, машҳур спортчи ва тренерлар билан учрашувлар, сайр, экскурсия ва сайёҳлик юришлардан иборат.

Ўқитувчи фаолиятининг шарт-шароитлари:

1. Руҳий кучланишли.
2. Жисмоний юкланишли.

3. Ташқи муҳит омиллари (турли хил об-ҳаво шароитида дарс ўтишлар билан боғлиқ бўлган шарт-шароитлар).

Ўқитувчи юқорида қайд этилган барча шарт-шароитлар, яъни руҳий кучланиш, жисмоний юкланиш ва ташқи муҳит омиллари таъсирида ҳам дарс ва машғулотлар ўтишга тайёр бўлмоғи керак.

Бунинг учун ўқитувчи мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, ўзининг жисмоний чиниқлигини ва соғлигини мустаҳкамлаб бориши лозим. Шунга амал қилгандагина ўқитувчи кучли, чидамли, чаққон ва тезкор ҳаракат сифатларининг эгаси эклигини намоён этади ва у ўқитувчилар учун намуна бўла олади, ўқитувчилар эса ундан андоза олади.

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Тошкент, «Ўзбекистон» нашр. 1998 йил.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси Халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали. 1998 йил 2-сон.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
4. Каримов И.А. «Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби.»
5. Каримов И.А. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз», 7-жилд, Тошкент «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 йил.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». Тошкент «Ўзбекистон» нашриёти, 1999 йил.
7. Халқ, миллий мафкура ва зиёли масъулияти «Тафаккур» журнали, 1999 йил 2-сон.
8. Каримов И.А. «Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз», Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёти, 2002 йил.
9. Педагогика. Тошкент, «Ўқитувчи», 1990 йил.
10. Психология физического воспитания. М., «Просвещение», 1987 год.
11. Нурмухамедов К.И. Жисмоний тарбия ва спортнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Тошкент, 1991 йил.
12. Иброҳимов Ў.И., Бегимқулов О., Хўжақулов Н. Жисмоний маданият ва спорт-ижтимоий ҳодиса. Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. 17-19 бетлар Бухоро, 2002 йил.

